Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 252 (7. 941) ◆ 1991 йил 30 декабрь, душанба ◆ Нархи 8 тийин

КЕЧА ИЛК БОР РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ УМУМХАЛҚ ОВОЗ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САЙЛАНДИ, САЙЛОВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН ЯКДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРДИЛАР

ИСТИҚЛОЛГА ЮЗ БУРДИК БУ КУН

(ПОЙТАХТДАГИ САЙЛОВХОНАЛАРДАН РЕПОРТАЖ)

Бу кун, бу тонг ва шу дақиқалар ҳеч шубҳа йўқки, ҳар биримизнинг ҳаётимизда унутилмас бўлиб қолажак. Қутлуғ тонгни байрам либосида қаршилаётган Тошкент кўчалари бўйлаб сайловчилар сафида борар экансиз, беихтиёр вужудингизни ажиб кайфият, кўтаринкилик қамраб олади. Бу кун ана шундай шукуҳли, шарафли ва фахрлидир. Халқимиз ўзларининг энг муносиб фарзандлари ва Республикамиз мустақиллиги учун овоз берадилар.

Собир Раҳимов районидаги 344/3 сайлов участкасида эрта тонгданоқ «Пахта» маҳалласида яшовчи фуқаролар кела бошлашди. Борис Герцман бошчилигидаги участка комиссияси аъзолари сайловчиларни иззат-икром билан кутиб олишмоқда. Ҳар бир сайловчи қўлига сайлов бюллетенларини олгач, зарур белгилар қўйишдан олдин қизил алвон тутилган хоналарнинг бирига кириб, номзодлар ҳақида яна бир бор ўйлаб кўриш имкониятига эга.

— Қани болам, бюллетенга қай йўсинда белги қўйишни тушунтириб бергин, — деди бир кекса киши хона олдида навбатчилик қилаётган Муҳаммад Аҳмедовдан.

— Хўп бўлади, отахон. Қўлингиздаги мана бу варақада Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов ва Муҳаммад Солиҳларнинг номзоди кўрсатилган. Сиз улардан қайси бирини маъқул кўрасиз?

— Исломжонга овоз бераман, болам. У кўп ишларни қилаяпти, келажакда республикамизни оғир аҳволдан олиб чиқишига ишонаман.

— Жуда яхши. Шундай қарорга келган бўлсангиз варақага муқобил асосида киритилган иккинчи номзоднинг исм-фамилиясини ўчириб қўясиз.

Навбатчи шу тариқа бошқа яна икки бюллетенга белги қўйиш тартибини ҳам тушунтириб берди. Хоналардан ўтиб, рўпарадаги қутиларга бюллетенларни ташлаб, овоз берайтган одамларга яқинлашдик.

— Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз.

— Жўравой Эшмуҳамедов бўламан. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида ишлайман. Ҳозиргина Республикамиз мустақиллигини ёқлаб овоз бердим. Мана, кейинги қисқа вақт ичида Туркия, Швейцария, Монголия ва бошқа мамлакатлар мустақилигимизни тан олишди. Хорижий юртлар билан дўстона алоқаларнинг йўлга қўйилаётгани катта имкониятларни очиб беради, деб ўйлайман. Мустақиллигимиз эълон қилингани якунланаётган йилнинг энг тарихий воқеаларидан биридир. Энди уни мустаҳкамлаш учун Ислом Каримовдек катта тажриба тўплаган, снёсатдон ва ишбилармон раҳбар Республикамизга бош бўлиши керак. Шу боис у кишини ёқлаб овоз бердим.

— Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тавсия этилган номзодга қандай муносабат билдирдингиз?

— Ижобий. Атҳамбек Фозилбеков билан ёнма-ён ишлаётган одамлар билан кўп марта суҳбатда бўлишимга тўғри келган. Кўпчилик у кишининг қатъиятли ва ҳалол одам эканлигини таъкидлашади.

Шуниси диққатга сазоворки, қайси сайлов участкасида, ким билан суҳбатлашманг, кўнгилларидаги гапларни очиқ-ойдин айтишиб, ўз фикрларини асослаб беришга ҳаракат қилишаяпти. Октябрь районидаги 300/12 сайлов участкасида ҳам шундай бўлди.

— Мен 461-боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман, — деди Ўғилой Абдуазимова деган аёл. — Қизларим Шаҳноза ва Дилнозалар билан Ислом Каримовга овоз бердик. У кишининг республикамиз аҳолисининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор бераётгани ва бошқа ибратли ишлари учун шундай қарорга келдик. Республикамиз мустақиллигини ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Атҳамбек акани эса моҳир ташкилотчи сифатида яхши биламан. Биз Атҳамбек Фозилбековга овоз бериб, келажакда шаҳримиз янада гуллаб-яшнаб кетишига умид боғладик.

— Бугунги кун ҳаётимдаги энг фахрли дамлардир, — дилидаги гапларни изҳор этди Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юртининг талабаси Азиза Тошхўжаева. — Ўн саккиз ёшимда биринчи марта сайловда қатнашаяпман. Мен Республикамиз Президентлигига Ислом Каримов, Тошкент шаҳар ҳокимлигига Атҳамбек Фозилбековларнинг номзодини ёқладим. Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишини хоҳлайман. Ягона истагим, биз қўллаб-қувватлаётган раҳбарлар аввалгидек тўкин-сочинликни таъминлаш учун ёшларимиз куч-ғайратидан ҳам фойдаланинглар.

— Президентликка номзод Муҳаммад Солиҳнинг дастуридан мен ҳам, умр йўлдошим ҳам, катта қониқиш олдик, — деди яна бир суҳбатдошимиз Тошкент полиграфия комбинати ишчиси Абдурасул Тоғаев. — Шу боис у киши учун овоз бердик. Муҳаммад Солиҳ таъкидлаганидек, келажакда давлат тизимида муайян ўзгаришлар қилинса, самарали натижаларга эришилишига имонимиз комил.

Мазкур сайлов участкасида «Марказ-14»» даҳасидаги кўп қаватли уйларда яшовчилар овоз беришди. Қизиқиб кўрганимизда энг кекса сайловчи 72 ёшни қаршилаган Худиса Маҳмудова эканлиги, 15-«А» уйда истиқомат қилувчи Рустам Тўлаганов эса участкадаги сайловчилар орасида биринчи бўлиб бюллетенларни қутига ташлагани аниқланди.

Кечаги кунги сайловлар ва Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳар бир сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш учун ҳамма шароитлар яратилганлиги билан ҳам ажралиб турди. Буни сайлов ва референдум қандай ўтаётганлигини кузатиш учун бир қанча хорижий мамлакатлардан ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келган кузатувчилар ҳам алоҳида таъкидлашди. Чунончи, овоз беришнинг боришини Америка Қўшма Штатлари, Малайзия Федерацияси, Туркия Республикаси, шунингдек Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистондан келган кўпдан-кўп вакиллар кузатдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига сайловлар, Ўзбекистон Республикаси референдуми чинакамига демократик асосда ташкил этилганлигига гувоҳлик беришди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Тошкент шаҳар ҳокимини сайлаш бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг маълум қилишича, овоз бериш рўйхатига киритилган сайловчиларнинг умумий сони 1.272.992 нафар кишини ташкил этган эди. 29 декабрда Тошкент шаҳар ҳокими сайловида 1.136.803 нафар сайловчи ёки умумий сайловчиларнинг 89,3 фоизи иштирок этди. Тошкент шаҳар ҳокимига номзод Атҳамбек Иброҳимович Фозилбеков учун 1.014.935 нафар киши ёки сайловда иштирок этганларнинг 89,2 фоизи овоз берди. 120.965 нафар киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 10,6 фоизи қарши овоз берди.

Шундай қилиб, А. И. Фозилбеков Тошкент шаҳар ҳокими этиб сайланди.

СУРАТЛАРДА: Тошкент, 1991 йил 29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тошкент шаҳар ҳокимини сайлаш, Ўзбекистон давлат мустақиллиги референдумидан лавҳалар.

Рустам Шарипов суратлари.

МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

БОЛАЛАР/ бадиий ижодиёти жумҳурият марказига кўпгина ёш истеъдодлар фаол қатнашиб келмоқдалар. Маҳорат ва ижод масканида фаолият кўрсатаётган ёш сураткашлар студиясида ҳам ҳар куни ҳаёт қайнайди.

Ёш сураткашлар томонидан олинган суратларнинг кўпи жойларда очилган кўргазмаларга қўйилди. Мангу лаҳзаларга айланган бу хил ижод намуналаридан катта бир гуруҳи эса яқинда жумҳурият суратлар кўргазмасидан муносиб ўрин олди.

Мазкур қизиқарли экспозиция «Эртанги кунга ишонч билан» деб аталади. Уни уюштиришда Тошкентдаги «Панорама» клуби ташаббускор бўлди.

Сурайё ОМОНОВА.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан «Исмоил Хорун Деҳлавий» корпорацияси (Саудия Арабистони) ўртасида ўзаро ваколатхоналар очиш тўғрисидаги битим имзоланди.

● Самарқандда вилоят кооператив тайёрлов савдо идораси раҳбарлари ташаббуси билан қанд ишлаб чиқарадиган завод қуришга қарор қилинди. Корхона қурилиши ишларини хорижий шериклар бажарадиган бўлишди.

● Бошқа республикалардан ташриф буюрган амалий доира вакилларининг Бухоро шаҳрига қилган сафари битим имзолаш билан ниҳоясига етди. «Металлар биржаси» акционерлик жамиятининг бошқарувчиси С. Пирогов ва «Қозоғистон халқлари маданияти уйғониши» уюшмасининг бош директори Г. Кутний Бухоро билан моллар айирбошлашга манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар.

● Ҳамза номли Қўқон мусиқали драма театрининг ижодий жамоаси ўз ҳамшаҳарларига Янги йил арафасида яхши совға тайёрладилар. Улар санъат мухлисларига ҳажвчи ёзувчи Анвар Обиджоннинг «Паҳлавоннинг ўғирланиши» эртак пьесасини тортиқ этишди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Бугун Минскда 11 Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг учрашуви бўлади.

● Кечаги якшанбада Озарбайжоннинг миллионлаб аҳолиси республиканинг мустақиллигига ўз муносабатларини билдириш мақсадида сайлов қутилари ёнига келишди.

● Туркманистонда яқин кунлар ичида Эрон Ислом Республикасининг элчихонаси очилади.

● Приморье ўлкасида ер ости атом станцияси қуриладиган бўлди. Ўлка кичик Кенгаши ана шундай қарор қабул қилди.

● Россия демократик партиясининг ўз «Сиёсий бюроси» пайдо бўлди. Шу партия бошқарувининг мажлисида 12 кишидан иборат Сиёсий кенгаш сайланди.

● Собиқ ССР Иттифоқининг йирик универсал тижорат банки — агросаноат банки ўз фаолиятини тўхтатди.

ХОРИЖДА

● Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистон Республикасини расмий таниш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Канада бош вазири Брайан Малруни Канада Ўзбекистон, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Туркманистонни мустақил давлат сифатида тан олганлигини маълум қилди.

● Австралиянинг Москвадаги элчихонаси Австралия бош вазири мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ўн бир муассиси, шу жумладан Ўзбекистонни таниганлигини эълон қилди, деб хабар берди.

● Аргентина ҳукумати Молдова, Ўзбекистон ва Тожикистон мустақиллигини тан олди.

Рўзноманинг шу сонига

БАРАКАЛЛА ДЕГИМИЗ КЕЛАДИ

ТАБИИЙКИ, инсоният кириб келаётган ҳар Янги йилни хуш кайфият билан тўкин дастурхон атрофида кутиб олишга интилади. Иқтисодий таназзул ҳукмронлик қилиб, нарх-наво борган-сайин осмонга кўтарилаётган бугунги кунда эса бунга эришиш осон бўлаётгани йўқ. Ана шундай пайтда республикамиз ҳукумати ҳамда шаҳар раҳбарларининг ўрта ҳол ва камбағал табақадаги оилалар манфаатини кўзлаб баҳоли қудрат қилаётган саъй-ҳаракати дилларга малҳам бағишлайди. «Ташагропром» томонидан байрам кунлари барча районларда ташкил этилган кўчма расталар бунга мисолдир.

Бундай дўконлар Шайхзода (Акмал Икромов райони), Норхўжаев (Ленин райони) кўчаларида; Юнусобод (Киров райони), Эски Жўва (Октябрь райони), Қорақамиш (Собир Раҳимов райони), Авиасозлар (Ҳамза райони) бозорларида; тўқимачилар саройи (Фрунзе райони), Ҳамза метро бекати (Чилонзор райони), «Саёҳат» меҳмонхонаси (Куйбишев райони) ёнида мавжуд бўлиб, улардаги мева-сабзавотларни бозордагига нисбатан арзонроқ нархда харид қилиш мумкин. Яхлатилган гўшт килоси — 20 сўмдан, янги сўйилган қўй гўшти — 30, мол гўшти эса 27 сўмдан сотилаяпти.

Айниқса пойтахтимиздаги энг катта ва хушманзара маскан — Мустақиллик майдони 27 декабрдан эътиборан 10 кун мобайнида ўзгача чирой очади. Негаки, Тошкентда истиқомат қилувчи, шунингдек, пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган болажонлар таътил кунлари бу ерда янги — 1992 йилни турли-туман ўйинчоқлар билан чиройли қилиб безатилган осмонўпар арча атрофида кутиб олишади.

Эсингизда бор, ўтган йиллари катта Янги йил арчаси метро бекатидан майдонга чиқаверишдаги фавворалар яқинида бўларди. Бу ер тор бўлганлиги туфайли томошага келган тумонат одам — кичкинтойлару уларнинг ота-оналари жуда ноқулайлик сезишарди. Бу йил эса оқилона иш юритилиб, арча ҳайкал олдидаги кенг майдонга ўрнатилган. Натижада метро бекатидан чиқиб, бемалол ўнг тарафда бунёд этилган эртаклар шаҳарчасини айланиб, шаҳримиздаги энг қўли гул пазандалар тайёрлашаётган турфа таомлару ҳар хил пиширқлардан тамадди қилишингиз мумкин. Унинг рўпарасидаги шундай шаҳарчада эса байрам совғалари, печенье, музқаймоқ сингари болажонлар хуш кўрадиган нарсалар харид қилса бўлади.

Ана, рўпарангиздаги баланд дорда жасур ўзбек ўғлонлари ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Шу ердан ён атрофингизга назар ташлар экансиз, ўзингизни гўё «Оймомо» боғига кириб қолгандай ҳис этасиз. Негаки, кегельбан (маълум тартибда тикилган фигураларни шар юмалатиб уриб йиқитиш ўйини ўйналадиган жой) дан тортиб, болаларга мазур бўладиган хилма-хил ўйинлар бу ерда бор. Шаҳар маданият бош бошқармасининг ҳамда касаба уюшмалари маданият уйларининг ижодий жамоалари ўзларининг жозибадор куй ва қўшиқлари билан дилларни хушнуд этади. Айниқполвонга турли хил муқом қилдираётган цирк артистларининг талантига тан бермай илож йўқ. Ёш томошабинлар театри жамоаси ижро этаётган эртаклар кичкинтойларни, албатта, ром этади. Ахир, Насриддин Афанди, Чол ибн Ҳаттоб сингари машҳур қаҳрамонлар билан учрашиб, эртаклар оламига саёҳат қилишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз.

1, 2 ва 3 январь кунлари соат 13 дан 14 гача, 4 ва 5 январь кунлари (шанба, якшанба) эса соат 12 дан 13 гача ва икки яримдан 3 яримгача майдон узра алоҳида манзара кузатилади. Бундай ўзига хос янгилик намойиш этилишига бир неча дақиқа қолганда эса овозингордан подшо чопарининг овози янграйди: «Одамлар, ҳой одамлар, эшитмадим деманглар...» Мана, майдон осмонида вертолёт пайдо бўлди. Ундан эртаклардаги қароқчилар ниқобларини кийиб олишган Мудофаага ёрдам кўрсатиш жамияти «Ватанпарвар»нинг аъзолари парашютларда сакрашади. Сўнгра, орзиқиб кутилган Қорбобо ва Қорқиз тушишади. Ўйин-кулгу, хурсандчилик эса борган сайин авжига чиқаверади.

Мустақиллик майдонида ўтказиладиган бу йилги Арча байрами тантаналарини ана шундай серзавқ тарзда тайёрлашда бош-қош бўлган Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети тасарруфидаги «Наврўз» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ва шаҳар болалар жамғармаси ташкилоти мутасаддиларига ҳам, шунингдек, бу ишда ҳисса қўшишган бошқа жамоаларга ҳам баракалла, дегинг келади.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ.

СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдонида арча байрамига тараддуд ва шаҳримизда уюштирилган савдо расталарида.

Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетида

ЙИЛ ЯКУНИДА

ХАЛҚ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетида бўлиб ўтган навбатдаги кенгашда йилнинг ўн биринчи ойи ичида «Маҳалла» дастурининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Дастурнинг барча йўналишлари бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида шаҳар хизматлари, қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Жиддий қолоқликка йўл қўйилган жойларда аҳволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Ўтаётган йилдаги мавжуд ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрини 1992 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш тўғрисидаги маълумотлар ҳақидаги ахборот ҳам тингланди. Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети режа комиссиясининг раиси Баҳодир Йўлдошев ана шу масала юзасидан сўзга чиқди.

Халқ хўжалигининг бозор муносабатларига ўтиши моддий-техника таъминоти тизимини тубдан ўзгартириб юборади. Бу нарса меҳнат жамоаларининг хўжалик фаолиятига каттагина таъсир кўрсатади. Юз бераётган ана шу шароитларда ишни кўзини билган кишиларгина яхши натижаларга эришиши мумкин. 1992 йилда моддий-техника таъминоти асосан горизонтал алоқаларга, бартер усулларига, биржа ишларига асосланади. Ишлаб чиқариш жамоалари келгуси йилги ишларини ана шундан келиб чиққан ҳолда режалаштиришлари керак. Шу йилдан бошлаб Россия, Украина, Қозоғистон, Беларусь билан тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини ўрнатиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Корея Халқ Демократик Республикаси билан ҳам таъминот тўғрисида бир битимга келишилди.

Шаҳар хўжалигини бозор муносабатларига тайёрлаш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг 1 октябрига қадар шаҳарда 3738 ширкат, 1380 кичик корхона, 139 та ижара, 329 та фирма, марказлар, 55 уюшма, 97 акционерлик жамиятлари ва чегараланган масъулиятдаги 70 қўшма корхона ва 29 филиалларнинг жамиятлари рўйхатдан ўтказилди. Шаҳарда бир қатор банклар рўйхатдан ўтказилди ва у ишлаб турибди, «Тошкент» маҳсулот биржаси ва район меҳнат биржалари фаолият кўрсатмоқда.

Кенгашда Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети раисининг ўринбосари Леонид Костин шаҳарнинг энергетик таъминоти масалалари бўйича ахборот берди. Шаҳарнинг бошқа минтақаларидан мазут олмаганлиги ва унинг ТашГРЭС иши учун зарурлиги муносабати билан ТашГРЭС ўз ишини газда ишлашга ўтказишга мажбур бўлди. Бу нарса ёқилғининг ана шу турига бўлган маълум тиғизликни келтириб чиқаради. Шу боисдан барча тошкентликларнинг ўз уйлари ва хонадонларидаги совуқ кирадиган жойларни беркитишлари айни муддаодир. Ана шундай шароитдагина тошкентликларга қишнинг совуқ кунлари хавф солмаслиги мумкин.

Кенгашни Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг раиси Озод Асқаров олиб борди.

Уй-жой қурилиши ва тақсимоти «Оқшом» назоратида

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

ШАҲРИМИЗНИНГ Самарқанд дарбоза атрофи кейинги нақтларда ўзгариб кетди. Бу ерда эски пастқам уйлар ўрнида замонавий кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтарди. Биноларнинг пастки қаватларида бир қанча маданий-маиший нуқталар ишга тушди. Озиқ-овқат дўкони, мебеллар уйи, мактабгача бўлган муассасалар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Яқинда шу уйлар орасида яна бир турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Қурилишни Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 49-қурилиш бошқармасининг бинокорлари ниҳоясига етказишди.

Ҳозир 12 қаватли шу уйга 58 хонадон кўчиб киришиб, уй тўйларини ўтказишмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.

СЎНГГИ БОСҚИЧДА

ШАҲРИМИЗНИНГ Чилонзор районидаги 31-мавзеда 80 оилага мўлжалланган турар жой биноси қад кўтарди. Қурилиш ишларини Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 12-трести 2-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчи азаматлари амалга оширишмоқда.

— Қурувчилар шу уйни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар, — дейди трест режалаштириш бўлими бошлиғи Софья Рафиқова. — Қурилиш материалларининг тақчиллигига қарамасдан, ҳозиргача қурувчилар анча ишларни амалга ошириб қўйишди.

Айни пайтда умумий сатҳи 3 минг 733 квадрат метрни ташкил этган бу объектда қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бино қурилиши сўнгги босқичга кирди. Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишни юқоридаги трестнинг пардозловчилари амалга оширишмоқда. Бинокорлар уйни шу йил охиригача фойдаланишга топширишмоқчи.

Ғиёс ЙЎЛДОШЕВ.

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ

ҲОЗИРГИ тақчил ва қийин бир шароитда уй-жой қуришнинг ўзи бўлмаяпти. Қай томонга қараманг қурилиш ишлари боряптию, лекин бинонинг қад кўтариши анчайин суст. Сабаби нима эканлиги ҳам ўзимизга маълум. Қурилиш материалларининг тақчиллиги, эшик-ромлар учун ёғочларнинг етишмаётганлиги яна бир сабаб бўлмоқда. Шундай бўлишига қарамай тайёрасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсус қурувчилар цехи ўз ишчилари учун уй-жой қуришни режалаштиришган эди. Айни вақтда бу режа амалга оширилмоқда.

Корхонанинг 184-ва 81-цех фаоллари ҳамда 2-уй-жой қуриш комбинати қурувчилари, шунингдек 4-тиклаш бошқармаси тикловчилари билан ҳамкорликда 9 қаватли уйларнинг дастлабкисини фойдаланишга топширдилар.

— Ҳар бир уй 34 хонадонга мўлжалланган, — дейди корхона қурувчилар участкаси бошлиғи Раҳим Деметов. — Бу уй ишчилар учун жуда қулай жойга жойлашган, яъни шундоққина корхона ёнида. Уйнинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, почта ва алоқа хизмати бўлинмалари ўрин олади. Қурилиш материалларини шартнома асосида олиб келинмоқда. Мана шу биргина уйни қуриш учун 1 миллион сўм пул сарфланди. Керак бўлаётган хом ашёнинг асосий қисмини уй-жой қуриш комбинатидан олаяпмиз. Ишчиларимиз ҳар бир вақтдан унумли фойдаланишга, олиб келинган қурилиш материалларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишаётир.

Умуман олганда ҳамкорликда гап кўп. Чунки бу ерда 60-қурилиш бошқармасининг қурувчилари, корхона қурилиш цехининг ишчилари, 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг пардозчилари, 2-механизация бошқармасининг кранчилари ҳам меҳнат қилишаётир. Ишни бошқарувчи Раҳим Тошхўжаев қурувчилар сардори Николай Роговлар яхши ташкил этишган. Беҳуда вақт ўтказмасликни улар ўзларининг шиорига айлантириб олишган.

— Гоҳо саккиз соатлик иш вақтимиз қандай ўтганини билмай қоламан, — дейди кранчи Хожимурод Пайзиев. — Чунки иш билан банд бўлгач ўтган кунинг беҳуда бўлмаганидан ҳам дилинг қувонади. Қад кўтараётган уйларни кўриб эса кўзинг яшнайди. Юқорида ўтириб ишлашнинг ҳам ўз машаққати бор. Мана бир кунда 50 тонна 40 хилга яқин қурилиш жиҳозларини юқорига чиқаришга кўмаклашаман. Агар шу иш масъулият билан қилинмаса охири ёмон бўлади. Кранлар хартумига илинган ҳар бир деталь талабга жавоб берадиган даражада бўлмоғи керак. Ишлар тиғиз пайтида бунёдкорлардан Тўлибой Нуртоев, Юрий Сучков, Тинимбой Абелдаев ва Эдик Сурковларнинг ишига тан бераман. Негаки улар масъулиятни ҳис этиб ишлашади.

Дарҳақиқат қурилишда энг асосан ишни яхши ташкил эта билиш керак. Ана шундагина муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб бораверади.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Ҳозирги кунда бинони кўтариш учун масъулият асосан тикловчиларнинг бўйнига тушади. Қурилаётган уйларнинг пишиқлиги ҳам уларнинг маҳоратларига боғлиқ. Сиз суратда кўриб турган Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 159-трест 61-қурилиш бошқармасининг тикловчилари (чапдан) Е. Шилимов, Б. Ҳайтбоев, В. Рублевский ҳамда З. Набиевлар ҳам шундай маҳоратли тикловчилардан.

Рустам Шарипов сурати.

ШАРОИТНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

ТОШКЕНТ кўн-мўйна заводи енгил саноатимизнинг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда 956 киши меҳнат қилади. Корхона асосан халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаради. Бугунги кунда корхона ишчи ва хизматчилари халқимизга керак бўлган буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

Лекин яқин-яқинларгача корхонага четдан ёш мутахассислар чақириларди. Уларни биринчи навбатда уй-жой билан таъминлаш, ишчи ходимлар қўнимсизлиги корхона маъмуриятини қийнаб келарди.

Эндиликда бу ортиқча ташвиш йўқ. Фақат ишчи ходимларнинг асосий қисми, яъни маҳаллий аҳолини етарли уй-жой билан таъминлаш муаммоси турибди.

Халқимиз болажон. Шунинг учун улар қутичага ўхшаган кўп қаватли уйдан кўра, баҳаво ҳовли-уйларни яхши кўради. Озгина томорқали бўлсам, экин-тикин қилсам дейди.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси айни пайтда ана шуни ҳисобга олиб иш тутяпти. Масалан, 1990 йилда икки киши хонадонли бўлган бўлса, бу йил эса шаҳар ижроия қўмитаси уч кишига томорқа ажратди. Бундан ташқари корхона уй-жой қурилиши учун бу йил 100 минг сўм пул ажратди.

— Бироқ бу билан жамоамизда турар жой муаммоси тўла ҳал этилган дея олмайман, — дейди корхона касаба уюшмаси раиси Валентина Ларионова. — Заводда уй олиш учун яна 29 киши навбатда турибди. Буларнинг баъзилари 7 йилдан бери хонадон кутишяпти. Шунингдек, навбатда имтиёзли 4 та кўп болали оилалар ҳам бор. Қани, энди, имконимиз бўлса-ю, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тезроқ қондирсак. Масалан, бизда 21 йилдан бери тикувчи бўлиб ишлайдиган Санобар Қодированинг (ўғли Рустам ҳам мўйна цехида ишлайди) 13 кишилик оиласи билан 29,5 квадрат метр келадиган хонадонда яшашади. Аммо, начора, ҳужжатларида чалкашлик борлиги туфайли у бу йил ҳам уй ололмай қолди. Бизда бундай уйга жуда муҳтож оилалар яна топилади.

Шу туфайли юқорида таъкидланганидек, халқимиз ўз кўнглидаги иморатни солишни ёқтиради. Хоҳ шаҳарликми, хоҳ қишлоқлик, ҳаммаси ерни севади. Унга ер берилса-ю, оиласига яраша иморат қилса. Қолган ерларга экин-тикин қилиб, ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминласа. Республикамиз раҳбарлари ҳам шуни ўйлаб аҳолини ер билан таъминлаш, шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириш тўғрисида фармон берганига яқинда икки йил бўлади. Завод ишчи ходимларидан 12 киши эса ер беришларини кутиб навбатда турибди.

Ҳа, корхона касаба уюшмаси ҳамда маъмурият ҳозирги кунга келиб ўз ишчи ва хизматчиларини уй-жой ва томорқа ерлари билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Аммо Октябрь ижроия комитети мутасаддилари корхонага томорқа хўжаликларини ажратишда ёрдам берса нур устига аъло нур бўлур эди.

Шоира РАҲМОНОВА.

Илтижоли хат

ТОР ХОНАДА, ИЖАРАДА

МЕН Киров районидаги Плеханов 1-боши берк кўчасининг 1-уйига 1983 йил келин бўлиб тушдим. Турмуш ўртоғим Абдусамиг Исабоев билан 3 нафар ўғил кўрдик.

Бу ҳовлига келин бўлиб келган вақтимда қайнонам, қайнэгачим оиласи билан яшаётганди. Ўтган йиллар ичида оиламиз катталашди. Ҳозирги вақтда бу хонадонда 3 оила, жами 10 жон рўйҳатда турамиз.

Ҳовлида жами 5 хона бор. Даҳлизда қайнонам ва мен болаларим билан яшаб келардим. Оилавий келишмовчиликлар туфайли август ойининг охирида опамнинг уйига «Бошлиқ» мавзеси, 29-уй, 9-хонадонга болаларим билан вақтинча кетдим. Бир хонали уйда қисилиб ўтиришга мажбурман. Фарзандларим жуда ёш. Қачонгача ёш болаларим уйимиз йўқ, деб, ўксиб, мактабини ўзгартираверади. Бу болалар тарбиясига, руҳиятига салбий таъсир ўтказадику! Фарзандларимнинг болалиги ўйин-кулгусиз ўтиб кетаётганидан, жойдан-жойга кўчаверганидан куюниб ёзаяпман.

Рафиқа ИСАБОЕВА.

Агарда шаҳримизнинг Сергели районига борсангиз бир-биридан чиройли, осмонўпар уйларга кўзингиз тушади. Бу муҳташам уйларни кўриб беихтиёр, шу биноларни қурган қурувчиларга «қўлинг дард кўрмасин» деб юборасиз.

СУРАТДА: райондаги фойдаланишга топширилган уйлардан бирининг умумий кўриниши.

Холмат Мирзакаримов сурати.

Ечимини кутаётган муаммолар

Бўзчи белбоққа ёлчимас

БЕКТЕМИР районидаги кўп қаватли уйларнинг асосий қисми «Водник» даҳасида қурилган бўлиб, табиийки аҳоли ҳам шунга яраша зич жойлашган. Бу масканда истиқомат қилаётганларни кўпдан буён бир муаммо ташвишга солиб келаяпти. Ичимлик суви ниҳоятда танқис, Уйларнинг нафақат юқори, ҳатто биринчи қаватига ҳам ичимлик суви мунтазам келиб турмайди. Сабаби, сув насослари вақтида таъмирланмагани туфайли босим етарли эмас. Насоску яхшилаб созланса ёки янгисига алмаштирилса ишлар юришиб кетади. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Районнинг деярли барча худудида ер ости сувлари истеъмол қилишга яроқсиз бўлиб қолган.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш зарур. Бундан бир неча йил олдин бу жой Наримонов шаҳри бўлгани кўпчиликка маълум. Уша кезлардаёқ шаҳар ҳудудида жойлашган канол заводидан ташқаригa чиқаётган заҳарли оқавалар ер ости сувларини маълум миқдорда заҳарлагани аниқланган эди. Мана, орадан деярли ўн йил вақт ўтди. Аммо ичимлик сувини тозалаш ёки келтиришни ҳеч ким ўйламайди.

— Яқин вақтларгача ҳар жой, ҳар жойда булоқлар бўларди, — деди шу ерда яшовчи Боқи ака Туримбетов. — Ерни бир метр кавласангиз тип-тиниқ зилол сув чиқар эди. Энди бир қултум ширин сувга зормиз, доим қайнатиб ичишга мажбурбўлаяпмиз. Водопровод жўмраклари ўрнатилмаган. Ерни 7—8 метр қазиб, насос билан чиқарилаётган сувларни эса ичиб бўлмаяпти.

Ҳа, республика сув хўжалиги вазирлигининг етмишдан ортиқ корхона ва ташкилотлари жойлашган Бектемир райони аҳолиси бугунги кунда шу тариқа ҳаёт кечиришяпти. «Бўзчи белбоққа ёлчимас», деб шуни айтсалар керак-да.

Аҳволнинг қачон яхшиланиши ва ҳозир қандай ишлар амалга оширилаётганини билиш мақсадида район ижроия комитети раисининг жорий қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Серикбой Гусейнов билан суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатан ҳам бу долзарб масала, — деди у, — Вазиятдан тезроқ чиқиб кетиш учун тинмай ҳаракат қилаяпмиз. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарорига биноан, яқин келажакда Қибрай сув тармоғидан тоза сув олиб келиш ишлари лойиҳалаштирилаяпти. Мазкур режа амалга ошса 600 диаметрли 2 та қувурда сув кела бошлайди. Бунинг учун вақт керак. Келгуси йилда албатта ижобий ўзгаришлар бўлади, деган умиддаман. Шу билан бирга районда аҳолини табиий газ билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда эканлигини таъкидламоқчиман. Ҳозир «Узгипрогаз» илмгоҳида лойиҳалаштириш ишлари, авжида. Қўриб турибсизки ҳадемай районимизга Янгиобод шаҳридан 200 километрлик газ қувурида «зангори олов» кела бошлайди.

Районда яшаётган аҳоли ҳаётига чуқурроқ разм соладиган бўлсак, ўз ечимини кутаётган муаммолар анчагина йиғилиб қолганини билиш қийин эмас. Ҳаммом йўқлиги, транспорт масалалари ҳам кўпчиликни қийнаяпти.

Шу ўринда бир савол туғилади. Режалаштирилган ишлар яхши, бироз кўнгилни хотиржам қилади. Аммо олдинда қаҳратон қиш. Шундай дамларда одамларни ичимлик суви билан етарли миқдорда таъминлаш учун район раҳбарлари вақтинча бўлса ҳам чоралар кўришаяптими? Йўқ, албатта. Назаримизда турмуш даражасини яхшилашга масъул бўлган ўртоқлар лойиҳанинг қачон битказилишини кутаётган кўринишади. Агар шундай бўлса, бир илинжимиз бор. Зора челак, чойгум кўтариб сарсон бўлаётган оналар ва болаларнинг ноласи уларни ҳаракатга солиб қўйса.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

Янгиликлар Воқеалар

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

«Узбекчикин» Совет-Америка қўшма корхонасининг Фарғона филиали Чимён посёлкасида янги цех қуришга киришди. Яқин йиллар ичида бу ерда колбаса, сосиска ва дудланган гўшт тайёрлаш йўлга қўйилади. Цехга ўрнатиладиган асбоб-ускуналар Голландиядан ҳарид қилинди.

Ҳамкорлик цехи 1993 йилда тўла қувват билан ишлай бошлайди ва ҳар куни 3-4 тонна маҳсулот чиқарадиган бўлади. Зарур хом ашё шу ернинг ўзида тайёрланади. Ҳозир корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ташкил этилиб, 102 бош қўй, 70 бош қорамол боқилмоқда. Келгусида чорва сони қўпаяди, чўчқачилик ҳам йўлга қўйилади.

ҚАНДОЛАТ ЦЕХИ

Фарғонадаги Киргули район савдо идорасининг 43-дўконида «Фариштa» деб номланган қандолат цехи ишга тушди. Бу ерда торт, печенье, пирог, патир каби тотли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Шу соҳанинг етакчи мутахассиси Умидахон Аннапўлатованинг саъйи ҳаракати билан маҳсулот турлари ортмоқда. Яқин вақт ичида бу ерда 50 минг сўмлик маҳсулот чиқариладиган бўлади.

ЮТУҚҚА... ТУЯ

Ғиждувон район деҳқончилик саноат уюшмаси ташкил этган лотерея ўйини кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унинг ўзига хослиги шундаки, омади чопганларга ютуқ учун одатдагидек рўзғор буюмлари ёки пул эмас, балки от, туя, ғунажин, қўчқор берилди.

Пул қадрсизланиб, чорва молларининг нархи кунданкунга ошиб бораётганлигини ҳисобга олганда шундай бахт кулиб боққан кишиларга ҳавас қилса арзийди: Лотереядан тушган фойда районда чорвачиликни ривожлантириш учун сарфланади.

ХЎЖАЛИКДА ПУСТИН ЦЕХИ

Қашқадарё вилоятидаги «Чимқўрғон» давлат хўжалигида пўстин тикиш цехи очилди. Бу ерда қўй, мол, эчки ва туя терисидан мўйнали пўстинлар тикила бошланди. Тайёр маҳсулотларнинг дастлабки юз донаси савдо тармоқларига чиқарилди. Улар маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани учун баҳоси қиммат эмас. Қандай теридан тикилганига қараб 1500—2000 сўмдан сотиляпти.

Вилоят маҳаллий саноат бошқармаси янгиликка асос солгач, тикувчилик жиҳозлари Россиядан мол алмаштириш ҳисобига олиб келинди. Цех кенгайтирилгач, ойига юзтагача пўстин чиқарадиган бўлади.

ҚУҚОН ТАМҒАСИ БИЛАН

Қўқон кимё заводининг илгариги назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика цехида эндиликда миллий калиш ишлаб чиқариладиган бўлди.

Бунинг учун Ангрендаги «Узбекрезинатехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилади. Керакли хом ашё ҳам Ангрендан олинади ва Қўқонда тайёр маҳсулот ҳолига келтирилгач, савдо дўконларига чиқарилади. Мазкур цех тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига бир миллион жуфт маҳсулот тайёрлаш имкони туғилади. Ҳозир қўқонлик ёшлардан эллик нафари бирлашмага бориб касб ўрганмоқда.

КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Қўқондаги Ҳамза номли мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Асқарали Ҳамроалиев (Чархий) таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Кеча қатнашчилари шоир қабрини зиёрат қилишди. Адибнинг даврдошлари, шогирдлари, ҳамсуҳбатлари ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Чархий қаламига мансуб шеър ва ғазаллар асосида яратилган қўшиқлар янгради.

Шоир хотирасини абадийлаштириш мақсадида илгари шаҳардаги кўчалардан бирига ва кинотеатрга унинг номи берилган эди. Энди Қўқондаги 26 Боку комиссари номли 10-ўрта мактаб ҳам Чархий номи билан аталадиган бўлди.

ФАРҒОНА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Фарғона вилоят телевидениеси ўзининг дастлабки кўрсатувини телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Телестудия ҳафтада бир марта бир соатлик кўрсатув олиб боради. Бу кўрсатувларда вилоят фуқаролари ҳаётини кенг ёритиш, уларнинг иш тажрибалари, бозор иқтисодиёти шароитидаги муаммоларига алоҳида ўрин бериш мақсад қилиб олинган. Шунингдек, маърифатли кишилар, машҳур санъатқорлар ҳаёти, ўтмиш тарихимиз, вилоятда етишиб чиққан шоир ва ёзувчилар билан очиқ мулоқотлар уюштириш ҳам кўзда тутилган.

БИККС

Сизнинг муваффақиятингиз умумий ишимизга хизмат қилади!

Сизнинг бирон-бир маҳсулотни — ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,

«БИККС-АЛИНА» БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ УЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР!

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаларида, Россия деҳқончилик биржасида, «Санкт-Петербург» биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, «ТОШКЕНТ» универсал мол биржасида, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек, «БИККС-АЛИНА» турли биржалардаги яна 18 та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда «БИККС-АЛИНА» фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чигириб ташлайди, олди-сотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажриба брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишингизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

Тошкентдаги телефакс: 8-3712-90-41-97.

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ— ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ — АЪЛО КАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР.

АГАР СИЗ ХИЗМАТ ХОНАНГИЗГА ҚАҲВАХОНА ЁКИ КОНЦЕРТ ЗАЛИНГИЗГА ЗАМОНАВИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ҚИЁФА БАҒИШЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ.

«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ

СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

БИЗ ТУРЛИ-ТУМАН МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

темир ва чарм билан пардозланган девор панелларн;

тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;

ўзига хос шаклдаги шамчироқлар. Улар девор ва шиплар нинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тўшагим, дейишади. Аминимизки, «БИККС-АЛИНА» фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар сизга ғоят ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент — 146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТДАГИ «УЧҚУН» ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ихтисос бўйича камида 5 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган бош ҳисобчи ўринбосари ва молиячи

КЕРАК

Бош ҳисобчи ўринбосарининг ойлик маоши — 500 сўм ва бунга 50 фоиздан 70 фоизгача мукофот пули, молиячининг ойлик маоши — 400 сўм ва бунга 50 фоиздан 70 фоизгача мукофот пули қўшиб берилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 53-уй, телефон 54-73-77.

Бизнинг Ўзбекистон автомобиль йўллари банки тижорат банкидаги ҳисоб рақамимиз 000345651, маблағларнинг банк бўлимлари аро айланиш рақами МФО 172682705, Тошкент шаҳрида Республика давлат банки муомала бошқармасидаги ўзаро алоқа боғлаш рақами (кор/с) 700161405.

Раҳим Пирмуҳамедовнинг 95 йиллигига

ҚАНЧА-ҚАНЧА ГАПЛАРИМ БОР

КЕЙИНГИ 70 йил давомида тарихимизни, буюк сиймоларимизни унут қилишимиз учун барча чоралар кўрилди. Ажойиб ўтмиш, ўлмас сиймолар «Совет Иттифоқи» деб аталган мамлакатда тан олинмай, ўрганилмай келиши одат тусига кириб қолганидан бўлса керак, ҳозир ҳам ўша «қонун-қоидалар»ни, ўша «чегаралар»ни бузиб иш кўришимиз қийин бўлаяпти... Чунончи ўзбекни улуғлаган, унинг юксак диди, маънавий гўзаллиги, чиройи, ҳозиржавоблиги, хушфеъллигини оламга таратган Наби Ғаниевнинг хонадони кўпи кеча бузиб ташлангани нима дейсиз? У «Тоҳир ва Зуҳра», «Рамазон» ва «Йигит», Хўжа Насриддин ҳақидаги фильмлари билан миллий кино санъатимизга асос қўймаганмиди?! Айни бир вақтда довруғи оламга таралган Раҳим Пирмуҳамедовнинг уйини ҳам бузиб ташладилар. У ўнлаб фильмларда роллар ўйнаб бизни ҳам кулдирган, ҳам ижтимоий масалалар борасида чуқур фикр юритишга ундаган, халқ артисти фахрий унвонига сазовор бўлган эди... Хонадони баҳайбат бульдозернинг тасма занжирлари остида қолиб кетишидан хавфсираган бўлса керак-да Раҳим ака. У 60-йилларнинг охирларида уйининг бир хонасини ўзининг фотосуратлари билан безатиб, эски афишаларни осиб, ўзи ҳақидаги мақолаларни жамлаб юрарди. Уй-музей ҳақида ўйлаган бўлсалар керак-да! Ўша кезлари олдиларига бориб суҳбатлашганимда айтиб берган ҳикояларини ҳозир эслаш менга жуда зарур кўринади. Зеро уста санъаткорларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳозир ҳам ҳал этилгани йўқ.

— 1924 йилнинг қиши эди. Тошкентда ҳажв усталарининг ижодий кечасини — «кулдирувчилар мусобақаси»ни уюштирмоқчи бўлдилар. Бу кўрикнинг шартлари қуйидагилардан иборат эди: ҳар бир кулдирувчи (улар учта эди — Зиё Саид, Карим Ёқубий ва мен) ўзи бирорта ҳажвия пьеса топиши, актёрларни танлаши ва режиссёр сифатида ана шу асарни саҳнага қўйиши лозим эди. Мен Абдурраҳмон Исмоилзоданинг «Ҳожибобонинг дарди» комедиясини танладим. Ниҳоят 1925 йил 2 январда «кулдирувчилар мусобақаси» бошланди. Ҳар биримиз ўз спектаклимизни кўрсатдик, бош ролларни ўзимиз ижро этдик. Мусобақанинг сўнгги шартини ҳам бажардик: учта ҳажвчи бир бўлиб, «Бўёқчи хоним» пьесасида ҳам ўйнадик. «Колизей» (кейинчалик унга Свердлов номидаги концерт зали номи берилди) томошабинлар билан лиқ тўлган. Чамамда икки мингча томошабин бор эди. Гулдурос қарсаклар, қаҳқаҳа кулги театрнинг деворларини титратгандек туюларди. Ўзимиз ҳам ўйнаб бўлганимиздан кейин парда орқасида туриб, «рақиби»мизнинг ўйинини завқланиб кузатардик. Ниҳоят парда сўнгги марта ёпилди. 48 кишидан иборат ҳайъат узоқ баҳслашди. Икки соат чамаси вақт ўтганидан кейин мусобақа якунлари эълон қилинди. Мунаққидлар нима учун бунчалик узоқ мажлис қилганларининг сабабини ўшанда тушундим: улар қайси актёр томошабинни неча марта кулдирганини санаб ўтиришган экан. Ҳайъатнинг ҳисобича, Зиё Саид томошабинни 33 марта, Карим Ёқубий 32 марта кулдирибди. Менинг қаҳрамоним эса йиғилганларни 52 марта кулдирибди...

Раҳим аканинг бу ҳикоясини эслаганимда томошаларимиз ранг-баранг бўлиши учун ўтмиш тажрибасига ҳам мурожаат этиш зарурмикин, деб ўйлайман. Актёр ҳам кечаги кун ҳамиша ёдимизда туриши кераклиги, ундан сабоқ олиш зарурлиги ҳақида сўзларди. Айниқса, Наби Ғаниев ижрочининг қадрига етишини, унга ишониб катта роллар беришини таъкидларди.

Лекин бу ҳажвий роллар устаси ҳозир ҳам кўпчиликка кулги, табассум ҳадя этиб келаётган бўлса-да, менинг тасаввуримда ролга ташна бўлган, роль топширилишини орзиқиб кутган ҳолда намоён бўлади ҳар гал. Бунинг боиси Раҳим ака умрининг охирида — 60-йилларда у (1972 йилнинг 16 февраль куни бандаликни бажо келтирган) студияга камроқ таклиф этилганидагина эмас. У 20—50-йиллардаги «Равот қашқирлари», «Соябонли арава», «Қасам», «Асал», «Фарғона қизи», «Абу Али ибн Сино», «Маҳаллада дув-дув гап» каби фильмларда яратган ранг-баранг образларни эсланг! Гап актёр ўз техникаси устида муттасил ишлаши, талабчанликни ҳеч сусайтирмагани туфайли камол топганида, янги, йирик ролларда тайёр бўлганида, лекин буни кино аҳли пайқамаганида, етарли аҳамият бермаганида. Актёр кутган сценарий ёзилавермади. Роль ўйнаш иштиёқи эса ҳеч сўнмади. Шунда Р. Пирмуҳамедов қўлига қалам олди. Ўзи сценарий ёзди. 20-йилларнинг фожиали воқеаларини таърифлади. Лекин уни фильмга айлантиришга ҳеч ким шошмади... Санъаткор яна тадбир қўллади: адиб Мирзакалон Исмоилий ҳузурига бориб: «Бир сценарий ёзиб беринг. Ўзим 2—3 ролни ўйнай унда. Ўзим режиссёрлик ҳам қиламан» деб илтимос қилди.

Буни қарангки, Мирза ака студияга ҳам мурожаат этмай, шартнома ҳам тузмай, актёрнинг таклифи билан сценарий ёзиб берганлар. Лекин сценарий тайёр бўлганида Раҳим ака бетоб бўлиб қолдилар. Хонадонларига бордим. Қўлимда Москвада чоп этилган «Кино усталари. Раҳим Пирмуҳамедов» рисоласини кўриб беҳад хурсанд бўлдилар, яна бир неча нусха топиб беринг, деб илтимос қилдилар. Ўша куни касалга чалинган Раҳим ака «Баҳорни кутиб турибман. Зора тузалиб кетсам. Роль ўйнашни қанчалик соғинганимни билсангиз эди...» деганларида йиғидан ўзимни зўрга тутиб қолганман...

Ҳа, халқ театридан озиқ олган буюк санъаткор ҳаёт бўлганида 1992 йилнинг 1 январида 95 ёшга кирган бўларди... Экрандан айтмоқчи бўлган қанчадан-қанча гаплари бор эди унинг!

Ҳамидулла АКБАРОВ.

СУРАТДА: Раҳим Пирмуҳамедов «Насриддин саргузаштлари» фильмида. Японияда чиққан тарғиб варақаси. 50-йиллар сурати.

Миш-мишлар ва ҳақиқат

Жиноятчиликнинг аҳволи қандай?

⊙ КЕЙИНГИ вақтда муҳаррирлиятимиз шаҳардаги жиноятчиликнинг аҳволи тўғрисида кўпдан-кўп хатлар олмоқда. Бу ҳақда бизга муштарийларимизнинг ўзлари қўнғироқ ҳам қиляптилар. Бу мактублар ва бевосита мурожаатларда кўпинча эҳтиросларга берилиб, гўёки ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчиликнинг пайини қирқиш учун бирор чора кўрмаяптилар, деган айблашлар айтилмоқда. Пойтахтда тартибни сақлаш ишида шаҳар маъмурларига ҳам эътирозлар билдириляпти. Муштарийлар рўзномамизда бир неча бор ёзилганидек, Тошкентда жиноятчиликнинг умумий даражаси камаяётганлигига ҳамма ишонқирашмаяпти. Бу масалага аниқ ойдинлик киритиш мақсадида биз Тошкент шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси А. М. Солиҳовга мурожаат этдик.

— Абдуғаффор Муҳторович! Аввало муштарийларимизни Тошкент шаҳрида қонунчиликка риоя қилишнинг умумий аҳволи билан таништирсангиз.

— Ишимизнинг таҳлили аҳвол анчагина мураккаблигидан далолат беряпти. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида прокуратура органлари томонидан ўтказилган 387 та умумий назорат текширишидан сўнг 311 та тақдимнома, 66 та кўрсатманома қилинди. Бу текширишлар натижаси ўлароқ 174 та огоҳлантириш ҳам қилинди. Прокуратура органлари шаҳар корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ходимларидан 112 кишини интизомий жавобгарликка, 21 кишини маъмурий ва 56 кишини моддий жавобгарликка тортдилар. Ана шу рақамларнинг ўзи тошкентликларнинг ҳаммаси ҳам қонунга тўла риоя этмаётганликларини кўрсатиб турибди. Камчилик ва нуқсонлар амалда ҳамма соҳаларда учраяпти. Жумладан, давлат мулкининг сақланиши, саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ёки бўлмаса шартнома мажбуриятларининг бажарилишини текшириш қонунчиликка тўлиқ риоя этилмаётганлигини кўрсатмоқда. Республика Президентининг фармонлари, маҳаллий маъмурларнинг қарорлари ҳам аниқ-пухта бажарилаётгани йўқ. Шаҳар прокуратураси республика Президентининг Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, урушда ҳалок бўлганлар оилалари уй-жой маиший шароитларини яхшилашга қаратилган фармони ижросини текшириб чиқди. Натижада кўпгина ижроия комитетлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бу фармонни бажаришда қатор камчиликларга йўл қўяётганликлари маълум бўлди. Бу ҳақда биз уларни қатъий огоҳлантирдик. Давлат маблағларини талон-тарож қилганликлари учун Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига мўлжалланган госпиталнинг масъул ходимлари устидан жиноий иш қўзғатилди ва айбдорлар жазоланди.

Айрим фуқаролар ўз мансабини суиистеъмол қилиб, қонунни қасддан бузмоқдалар. Масалан, назоратсизликдан фойдаланиб, уй-жой олиш учун ноқонуний равишда ордер берган бир гуруҳ шахсларнинг жиноий ишлари судга оширилди. Улар 479 минг 550 сўм миқдорида пора олганликлари маълум бўлди. Мен яна бошқа мисолларни ҳам келтиришим мумкин...

— Агар хизмат вазифаси юзасидан қонунга қатъий амал қилишлари ҳам қарз, ҳам фарз бўлган раҳбарлар қонунни бузаётган бўлсалар, у ҳолда бу раҳбарларнинг ходимлари, таъбир жоиз бўлса «оддий фуқаро»лардан нимани кутиш мумкин?

— Мен одамларни раҳбарлар ва «оддий фуқаро»ларга бўлиш масаласини ушбу тарзда кўндаланг қўймаган бўлардим. Ҳар бир одам эгаллаб турган лавозими, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, амалдаги қонунларга ҳамма жойда ва ҳамиша риоя этишлари зарур. Тошкент шаҳри прокуратураси органлари жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка олиб келаётган сабабларни бартараф этишга интилиб, ўз фаолиятларида худди шунга ҳаракат қилмоқдалар.

— Бунга муваффақ бўлиняптими? Кўпгина тошкентликларнинг ҳис-туйғуларга берилган ҳолда айтишларича, шаҳарда жиноятчилик ортиб бормоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари эса жиноятчиликни жиловлашнинг уддасидан чиқмаяптилар.

— Бундай фикрловчи кишиларни тушунса бўлади. Айтайлик, Сизнинг машинангиз ёки уйингиздаги буюмларни ўғирлаб кетишган бўлса, милиция эса жиноятчиларни ушлай олмаса, ҳамма жойда милиционерлар «ухлаяптилар», деб гапиришади. Аммо қуйидаги рақамларга бир эътибор беринг-а. Ўтган йилнинг ўн бир ойида шаҳарда 21 минг 352 та жиноят қайд қилинган эди. 1991 йилнинг шу даврида эса бу рақам 19 минг 638 тани ташкил этди. Оғир жиноятлар сони 15,4 фоизга, вояга етмаганлар томонидан қилинган жиноятлар 10,1 фоизга камайди. Қасддан ўлдириш — 14,4, қасддан оғир тан жароҳатлари етказиш — 13,7 фоизга камайди. Номусга суиқасд қилиш — 26,8, босқинчилик — 22,5, ўғирлик эса 10,4 фоизга камайди ва ҳоказо.

Ана шуларга асосланиб, қатъий равишда бу йил жиноятларнинг кўпгина турлари ҳақиқатан ҳам камайди, дея оламан. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан кўрилаётган чоралар натижасида шаҳардаги вазиятни барқарорлашга муваффақ бўлинди. Жиноятчиликка қарши курош юзасидан умумий кучғайратларини мувофиқлаштириб турган прокуратура органлари ҳам бу ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

— Шунга қарамасдан Сиз келтирган рақамлар жиноятчилардан жабр кўрганларни тинчлантира олармикан?

— Гапингизда жон бор. Шу йилнинг 1 декабригача бўлган маълумотларга кўра, жиноятларнинг очилиш даражаси 45 фоизга етганига қарамасдан, бу бизни асло қаноатлантирмоқда. Шаҳар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида қонунчиликнинг бузилиши ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Менинг фикримча, уларни амалга ошириш ижобий натижалар бериши керак.

ҚИЗЛАР

Нақадар масъулдир
қарашларингиз
Атрофни яшнатар
яйрашларингиз
Булбулга жавобан
сайрашларингиз —
Ўзгача, билсангиз,
жуда ўзгача,
Учаётган кабутарга
ўхшайсиз,
Аламли ерда ҳам
кулмоққа шайсиз,
Тоғга қараб турган
гулга ўхшайсиз, —
Юришингиз ўзга
жуда ўзгача
Сочингиз зулматга
қарши курашар,
Ҳислар шаҳло
кўзингизга ярашар,
Қуёш юзингиз-ла
ҳар кун учрашар —
Яшашингиз ўзга
жуда ўзгача!?

Турсуной АБРОР қизи.

КУЙ

ҲИКОЯ

—1—

ЭЙ, ОДАМЛАР! Бу қандай ҳол? Қандай ҳол-а?! Бурилган заҳотинг ортингдан ғийбат қилишади. Буям инсон, бу-ям одам! Кўнглида дарди бордир, кўнглида ҳасрати бодир, изтироби бордир деб ўйлашмайди-ям!

Унинг қил сиғмай турган юраги қуриётган булоқдек торая бошлади.

— Магнитофонни қўй, ҳей овсар, сенга айтаяпман.

Шиқ-шиқ. Кимдир магнитофоннинг тугамачаларини босди. Қулоқни қоматга келтирувчи куй янгради. «Модерн токинг! Модерн токинг! Замонавий қўшиқ», — хаёлидан ўтказди у. Ўксиниш елвизаги аламзада кўкракларни ялаб ўтди, чап биқинида нина суққандек оғриқ турди. Уни тушунишни хоҳлашмаяпти? Шундаймикин? Ёки ҳақиқатан ҳам замонадан орқада қолганмикан?

Ўй ичидан гурсиллаган овоз эшитилди.

Рақсга тушишяпти. Чироқниям ўчиришди. Айбларини яшириш учун. Олифта Комил Лайлонинг пинжига суқилиб олди-ёв. Қизиқда, шу Комил. Қизларга суйкалгани-суйкалган. Қиз кўрмаганми, нима бало! Шаллақи! Лайлони, унга кўнгли йўқку-я! Фақат уялмай-нетмай суйкалишини ёқтирса

—2—

керак-да. Унга ҳам ҳайронсан. Ҳеч тушуниб бўлмайди одатига. Ғалатики, осмондан тушган одамдан ҳам баттар!

Девор орқасидан шиқ-шиқ этган товуш эшитилди.

— Зуля, классигинг қани?

— Мен қаердан билай?!

Зардасини қаранг! «Мен қаердан билай» эмиш. Классик куйларни жинидан ёмон кўрадиган эчкилардан биттаси шу. Уларга чет эл мусиқалари бўлса, бас. Маъносига тушлари ўтмаса-ям эчкидай сакрашаверади. Хи-хилашларига бало борми? Ҳаёсизлар!

— Лилия, классигинг кетиб қолдими, дейман. Кўйлагинг жа ярашибди. Ким тикди?

— Ҳафиза опа!

— Қоматингга мослабди. Зўр!

— Классик кетиб қолди, дейсанми?

— Гуля, нима бало, бу классигингга ошиқ бўлиб қолганми, дейман.

— Фу-у. Ўшанга-я! Ўлибманми?

Кутилмаганда дарвоза тавақаси шарақлаб очилди. Қизлар уни кўрмай қолишди.

— Зуля, нариёққа ўта қолайлик!

— Қоронғу-ку!

— Қўрқма, пойлоқчилар йўқ. Хе-хе-хе!

—3—

— Хе, ўлма, сен шаллақи. Эринга-ям шунақа беодоблик қилсанг сочингни битталаб юлади.

— Унақасига тегиб ҳам бўпман!

Қизлар ариқдан сакраб ўтиб, боққа кириб кетишди.

Ўктам ўрнидан турди. Бу ерда ўтирса, яхши бўлмас: пойлоқчи деб ҳафа бўлишади. Шундоқ ҳам уни ўлгудай ёмон кўришади, ёқтиришмайди. Ҳовли ёп-ёруғ. Ичкари киришга хоҳиши йўқ эди. Ҳозир унга ҳеч нарса ёқмасди. Кетиб қолай деса, эртага гап-сўз бўлади. Рухсат сўраганда ҳам бошқа гап эди. Лекин ҳозир кетишга ижозат ҳам беришмайди. Ундан кейин ҳамма шу ерда, нима деб ўйлашлари мумкин.

Қизлар ортга қайтишаётганди.

— Биззи йигитларга беш кетмайман, Зуля, унчалик синчков эмас улар. Ҳожатхонанинг олдини банд қилиб туриш мумкинми ҳеч замонда!

— Балки классигингни кутиб тургандир.

— Нега унга ёпишиб қолдинг. Ҳечамда, у унақа йигит эмас.

— Юрагингдан урган кўринади, Гуля!

— Ажаб бўпти!

Ўктам Гулнорага ёқмасам керак, деб ўйларди. Гапини қаранг! Демак, ёқади. Балки, ёқмас. Балки, бу шунчаки гапдир. Пичингдир,

Қизлар унинг тепасига келиб тўхташди.

— Вой, Ўктам ака, нима қип ўтирибсиз бу ерда? — Гулнора унинг қўлидан ушлади. Вой, бирам мулойим, бирам иссиқки, таналари дириллаб кетди-я!

— Қани, юринг! Бизга куй чалиб берасиз!

Қизлар унинг қўлтиғидан олишди.

— Юринг, юрақолинг!

Зулфиянинг оғзидан спирт ҳиди анқирди. Ҳатто чекишибдиям! Ўктамнинг кўнгли, беҳузур бўлди. Келмаса бўларкан!

— Зулфия остонада туриб бақирди:

— Жаноблар, бир минутга!

Кимдир чироқни ёқди. Уй ичи кумуш тутунга тўлган, ранг-баранг ясаниб олган қизлар йигитларнинг қучоғида, сочлари тўзғиган, юзлари қизарган, кўзларда ҳайрат.

— Жаноблар! — Зулфия ҳаммага бир кўз югуртирди. — Жаноблар. Битта зўр таклиф Бугун охирги кун. Хайрлашув кечаси. Ҳадемай мустақил бўламиз, мустақил бўлишдан олдин юракда армон қолмаслиги керак. Ўктам ака классикларидан эшитсак. Нима дейсизлар?

— Браво, браво!

— Зўр таклиф!

— Қарсак, ўртоқлар, қарсак!

Уйни бошларига кўтариб қийқиришди, ер тепинишди, қарсак чалишди.

Бунақа бўлишини кутмаганди. Бир лаҳза довдиради, боши айланди, у ҳеч қачон бундай даврада куй чалмаган, ҳеч ким унинг куйини эшитмаганди, эшитадиган киши-ям йўқ-да ўзи. Хиргойисини деворлар, бўм-бўш кўчалар, кенг пахтазорлар, қўйлар, сигирлар ва эшаги эшитган. Ҳатто ота-онаси ҳам бирон гал номига бўлса-ям куй чалиб бер, деб сўрашгани ҳам йўқ. Ҳеч ким уни кўрмаса керак,

—6—

аниқроғи ўзи кўзга ташланмаса керак.

— Қани бўлақол! — Комил қўлини пахса қилди.

Шу ерда-ям ўзини кўрсатмоқчи. Оғзи қийшиқ бўса-ям каттанинг ўғли гапирсин экан-да. Олифта!

Қизлар бараварига жўр бўлишди:

— Эшитамиз. Эшитамиз!

Ўктам қўшнайини — бир қулоч матоҳини доимо ён чўнтагида олиб юрарди. Қўшнайсиз юрса, кўнгли чўлдек ҳувиллаб қолади.

Ширакайф бўлганлардан бири:

— Классик ...зўр таранг қиларкан-ку, во қисталоғ-ей! — деди.

Ким гапирди, кимнинг овози бу — ғала-ғовурда Ўктам англаёлмайди. Зардаси қайнади. Марҳум муаллими Қодирбобонинг ҳириллаган овози қулоғига чалинди: «Оғир бўлинг! Оғир бўлинг»! У гапирмоқчи эди. Гап билмаганидан кейин қийин экан. Сон-саноқсиз кўзлар сон-саноқсиз маънода унга қадалган. Юрагига ҳаяжон кирди, оёқлари қалтиради. Қовун туширишиб қўйса, роса изза бўлади. Кейин бу шармандагарчиликка қандай чидайди. Лекин шошилиш керак. Кутишяпти.

—7—

— Дўстлар! — Овози хиёл титради, қўлидаги қўшнай дуп этиб ерга тушди. Ҳамма кулиб юборди.

— Дўстлар!

— Жаноблар! — Зулфия «бас», дегандек, қўлини кўтарди.

Ўктам ичида ўзини бўралаб сўкди. Авайлаган кўзга чўп тушади. Била туриб, қовун туширди-я! Энди ўзини тутиши керак.

— Дўстлар, дўстлар! — деди у тез-тез, — бугун Қодирбобонинг ўлганига бир йил тўлди. Мен... мен қадрдон устозни эслаб, сизларга «Хотира» куйини чалиб бераман.

Қўшнай тилга кирди. Аччиқ нола... аччиқ нола ўзини ҳар ёнга урди, тўлғанди, кўкка сапчиди, кейин, кейин ёш қалблар оралаб бураліб-бураліб эшила бошлади...

Қорли кўча. Мактаб ҳовлиси. Қорбобо ясашаётганди. Комил Ўктамни итариб юборди.

— Қоч шилпиқ, бу сеники эмас. Ўктам ҳам қайсар эди.

— Меники, мен ясаяпман, — деди тутақиб.

Комил дуғбўйин эмасми, унинг елкасига бир мушт туширди.

— Вой, шилпиғ-ей!

Бу Ўктамга алам қилди. Барибир, урингани билан унга кучи етмасди. Йиғлаб синфга кирди.

—9—

Дарсда Гулнора бўлган воқеани Қодирбобога етказди.

— Болалар, укажонларим! — муаллимлари ширин сўз эди, — меҳр-шафқатли бўлинглар. Бировга озор бериш — ғуноҳ.

Кейин Комилни ёзув тахтаси ёнига чорлади.

— Кечирим сўра, болажоним, айбингни ювган бўласан!

Комил истар-истамас ғулдуради:

— Кечир.

— Болалар, Ўктам ораларингда энг ёши, энг кичиги, унга озор берманглар! Гуноҳ бўлади. Умуман, бир-бирларингни хафа қилманглар. Сизлар бир синф болалари: ака-ука, ота-ини, дўст-қадрдонсизлар. Меҳр-шафқати йўқнинг бахти бўлмайди, инсофи йўқнинг косаси оқармайди.

Йиллар ўтди, лекин бу сўзлар, худди кечагина айтилгандек, қулоғи остида такрор-такрор жаранглайди. Бундан зўр воқеалар бўлмади, бундан зўр сўзлар айтилмади, дейсизми?! Бўлди, айтилди... Қодирбобо ҳам мана шу арзимас жанжалга эътибор бермаслиги мумкин эди-ку! Унда нима бўларди? Унда ҳозир уни эслармиди? Тенгдошларига ўхшаб, бугунни-ям кўнгилхушлик билан ўтказармиди? Ким билсин, дейсиз!

Қодирбобо! Қодирбобо энди йўқ. Қизиқ-а, инсон! Юради, юраси, бир кун ўлиб кетади. Ишонмайсан, ишонгинг келмайди. Гадо ҳам ўлади, шоҳ ҳам, ўқитувчи ҳам.

У кўзларини очди: кумуш туман тарқаган, бошлар эгик. Ҳамма ўлади. Ҳамма! Ажаб дунё, ажаб: Кўзидан ғилт ёш чиқди. Уят, уят! Йиғлама, Ўктам! Йиғлама! Лекин кўнгил денгизи ғамгин куй оҳангига мос шовулларди, аъзойи баданини сиқиратиб шовулларди, ваҳимали шовулларди.

Кўрмаган экан, ё алҳазар, булар қаёқдан келди: деразадан қўшни аёллар, болалар мўралаб туришар, эшик олди, остона хотин-халаж, бола-чақа билан тирбанд эди. Наҳотки, унинг шу йиғлоқи куйи уларга ёқаётган бўлса, наҳотки! Бу кўзидан ҳам ғилт ёш чиқди.

Куй охирлади. У гарангсираб одамлар орасига ўзини урди. Кўча, тим қора кўча. Чопди, биров қувлагандек илдам чопиб кетди. Кўнглида нуқул бир гап такрорланарди: бу дунёда ҳамма ўлади, ҳамма! Ҳаттоки у ҳам!

Орқадан Гулнорани товуши эшитилди:

— Ўктам ака! Тўхтанг!

Керак эмас кераги йўқ!

Тўлқин ҲАЙИТ.

Ҳамдўстлик янгиликлари

МОСКВА. Яқинда эркин нарх-навога ўтилиши эълон қилиниши биланоқ молиявий ислоҳот бўлармиш, пул алмаштирилармиш деган миш-мишлар яна тарқалди.

— Биз бу хусусда ҳеч қандай таклиф айтганимиз йўқ, — деди ТАСС мухбирига СССР давлат банкининг раиси Виктор Герашченко. — Россия молия идораларида ҳам бу ҳақда ҳеч қандай гап бўлмаганидан хабарим бор. Боз устига, бундай ишни техникавий жиҳатдан ҳам амалга ошириш мумкин эмас: жуда кўп миқдорда янги қоғоз пуллар босиб чиқаришга тўғри келган булар эди, босма дастгоҳлар эса бунингсиз ҳам жуда тиғиз ишламоқда.

Гарчи бундай миш-мишлар иқтисодий қийинчиликларнинг сўзсиз натижаси бўлсада, Виктор Герашченко бу гаплар сунъий равишда тўқиб чиқарилганини ва харидорларни ваҳимага солиш ниятида шундай қилинганини истисно этмади: ҳали вақт бор экан, ҳаммасини бирваракайига сотиб олавер, акс ҳолда кеч қоласан деган гаплар тарқатилмоқда. Чунки эркин нарх-навога ўтилиши ва нархнинг кўтарилиши билан қўлларида мол ушлаб турган кишилар уни сотишда катта қийинчиликка дуч келишлари, эҳтимол кўришлари мумкин.

Давлат банки раиси 500 сўмлик қоғоз пуллар чиқарилиши муносабати билан бу пуллар қанча тайёрланиши ҳозирча номаълум эканини айтди. Бу деди у, нарх-навонинг ўсиши ёки пасайишига боғлиқ бўлади. В. Герашченко йирик қоғоз пуллар асосан иш ҳақи кўп бўлган ва катта пуллар талаб қилинадиган Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ томонларига юборилиши мумкинлигини ҳам маълум қилди. Яқин орада минг сўмлик қоғоз пуллар ҳам чиқарилади: Гоголь айтганидек, бу «Давлат пуллари» келаси йилнинг биринчи ярмида пайдо бўлади.

ВИЛЬНЮС. «Ҳукумат Москвага энг зарур молларни етказиб беришини яхшилаш имкониятларини қидиради», — деди Литва республикасининг бош вазири Гедиминас Вагнориюс. У шанба куни кечқурун Литва телевиденнесида сўзга чиқди. Москвада, озиқ-овқат бозорида юзага келган оғир аҳвол хусусида гапирар экан, у аҳоли ҳамда жамоат ташкилотларини Россия халқига ёрдам беришга чақирди. Бош вазир яқин орада Литва республикаси билан Россия ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланишига умид билдирди.

КИШИНЕВ. Молдова ички ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси ТАСС мухбирига ёзма равишда шуни маълум қилди: Тирасполдаги «Точлитмаш» заводида кейинги икки ой мобайнида «Калашников» тизимидаги автомат қуролларини ишлаб чиқарадиган махфий цех фаолият кўрсатмоқда. Цех асосан кечаси икки смена да ишламоқда.

МОСКВА. Қишлоқ аҳлига бир дунё турмуш муаммоларини ҳал этишда ким ёрдам беради? Бу ишни Бутунроссия «Фермер» деҳқонлар биржаси амалга ошириш ниятидадир. У шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги бозор муносабатларини ривожлантиришда асосий ишларни бажаради. Деҳқонлар маблағи ҳисобидан ташкил этилган биржани деҳқонларнинг ўзлари бошқарадилар, у энг аввало хусусий фермерлар, майда ишбилармонлар манфаатлари йўлида хизмат қилади. Ана шулар бугунги кунда мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг учдан бир қисмини беришмоқда.

ОЛМАОТА. Қозоғистон ССР Фанлар академияси кимё-металлургия илмгоҳининг олимлари ноёб хусусиятларга эга бўлган қаттиқ ёқилғи кашф этдилар.

Энергияни бир ерга жамловчи моддалар лабораториясида профессор Равшан Сармурзина ҳавога амалда ҳеч қандай зарарли чиқиндилар чиқармай ишлайдиган, тажрибадан ўтказилаётган тракторларда қўлланиладиган кукун ва металл таёқчаларни кўрсатди. Бу машиналар Санкт-Петербург яқинидаги иссиқхоналарда муваффақиятли синовдан ўтди. Ташқаридан қараганда, улар одатдаги тракторлардан фарқ қилмайди. Лекин унга иккинчи двигатель — водород генератори қўшилган.

Ушбу аппаратга баъзи металлар ёрдамида қўшилган алюминий асосидаги қотишмалар солинади. Улар дистилланган сув билан реакцияга киришиб, тоза водород ажратиб чиқаради. Ушбу газнинг озгина қўшимчаси асосий двигателга ўтиши билан унинг қуввати кескин кучаяди, ҳатто жуда тез ҳаракат қилганда ҳам зарарли чиқиндилар чиқмайди. Изчил ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, ёқилғи амалда бутунлай ёниб бўлар экан. Чиқиндиларда органик қолдиқлар — ярим асрдан бери ҳавони заҳарлаб келаётган бензопирен умуман йўқдир.

Ташқаригa чиқаётган газлардан фақат сув буғи ажраладиган водород двигателлари энг аввало ёпиқ хоналар, шахталар ва конлар, сувости кемалари учун зарурдир.

Санкт-Петербург қишлоқ хўжалик дорилфунунининг олимлари ана шу ишланмани амалда қўлланишга киришдилар. Улар узоқ муддатли синовдан ўтган ихчам аппарат яратишди. Тракторлар йиллар мобайнида иссиқхоналарда унумли ишламоқда. Бу эса янада каттароқ тажрибалар ўтказиш имконини беради. Бундай тажрибалар Қозоғистонда ҳам бошланиши муҳимдир.

Одатдан ташқари ёқилғининг сифати энергияни бир жойга жамловчи моддалардан амалда фойдаланишнинг кичик бир жиҳатидир, холос. Қозоғистон эса уларни ишлаб чиқаришда жуда катта ҳом ашё базасига эга — Экибастуз кўмирининг тошқоллари шундай ҳом ашё ҳисобланади. Сибирь эса Канск-Ачинск кўмиридан фойдаланиши мумкин бўлур эди.

РЎЗНОМАМИЗ томонидан уюштирилган уч босқичдан иборат футбол билимдонларининг танлови ўз ниҳоясига етди. Олти ой давомида республикамизнинг деярли барча бурчакларидан ишқибозлар бизга мактублар йўллашди. Муфассал ва қизиқарли жавоблар юборишди. Фикримизча, «Пахтакор»ни олий лигада сақлаб қолган куч ҳам халқнинг унга бўлган чуқур муҳаббати, оғир вазиятларда ҳам доимо уни қўллаб-қувватлаши, команда тақдирига бефарқ қарамаслигидадир.

Бугун мухлислар хатларини саралаш натижаларини эълон қиляпмиз. Охирги босқич саволлари бирмунча қийин бўлганлиги учун биз олган хатлар бироз камайди. Ҳар ҳолда 10 очко тўплаб олдинда бораётган Нурилло Абдуламиновдан мактуб олмадик. Натижада охирги босқичда уч очко жамғарган Абдурашид Қўзибоев танловни 11 очко билан якунлади.

Вазиятни ҳар томонлама тарозига солиб кўриб, маслаҳатлашиб танловда биринчи ўринга лойиқ ишқибоз топилмади, деган хулосага келдик. Чунки энг юқори кўрсаткичга эришган ишқибозлар ҳам жуда кам очко тўплашган, жавобларда ноаниқликлар кўп. **Шундай қилиб, иккинчи ўрин ва 250 сўмлик пул мукофоти Сирдарё вилояти, Гулистон райони марказий касалхонасининг шифокори Абдурашид Қўзибоевга насиб этди. Охирги босқич саволлари бўйича энг кўп — 6 очко жамғаришга муваффақ бўлган, жами очколар сони эса 10 тани ташкил этган. Янгийўл район 11-автоколоннаси ҳайдовчиси Даврон Файзиев, Самарқанд меъморчилик-қурилиш илмгоҳининг талабаси Нурилло Абдуламинов билан бирга учинчи ўринни бўлишиб олди. Уларга 150 сўмдан пул мукофоти ва рўзноманинг фахрий ёрлиқлари топширилади.** Саид Сайпиллаев, Раҳмон Исамутдинов, Камолиддин Ҳакимжонов, Аҳмаджон Исломов ва Жўра Қўчқоровларнинг жавоблари ўзига хос бўлгани, ўз мактубларида «Пахтакор» тарихига оид турли хил қўшимча маълумотларни ҳам баён қилганлари учун улар Ўзбекистон республикаси футбол федерациясининг вимпеллари ва «Тошкент оқшоми» рўзномасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Биз футбол билимдонлари танловига ўз мактубларини юборган барча ишқибозларга катта миннатдорчилиқ билдирамиз. Ва танлов охирги босқичининг тўғри жавоблари билан таништирамиз.

Футбол билимдонлари танлови
ҒОЛИБЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

1. 1990 йилги мамлакат биринчилигининг турнир жадвалида «Пахтакор» ўринбосарлари 34 ўйинда 16 ғалаба, 7 дуранг ва 11 мағлубият билан 39 очко тўплаган ҳолда 6 ўринни эгаллашган. Тўплар нисбати: 45—33.

2. 1962 йилги мамлакат биринчилигида «Пахтакор» 1—12 ўринлар учун кураш олиб борган жамоалар финал гуруҳига чиқиб ўз тарихида илк бор олий лигада 6-ўринни эгаллашга муваффақ бўлган эди. Ушанда жамоамиз чарм тўп усталари финал ўйинларида рақиблар майдонида 10 марта дарвозабонларни доғда қолдиришган.

3. 1966 йилги мавсумдаги СССР Кубогининг 1/16 финал баҳсида МАСК футболчиларини қабул қилган ҳамюртларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган. Тўпларни Б. Иброҳимов ва Г. Красницкийлар киритган.

4. «Пахтакор» ўз тарихидаги энг йирик ҳисобдаги ёрқин ғалабага 1958 йили 23 апрелда Тошкентда «Химик» (Березники) билан ўтказилган учрашувда эришган. Ўша куни 11:1 ҳисоби қайд этилган эди. Тўпларни пахтакорчилардан Красницкий (4), Боркин (2), Мақсудов (2) Семенов, Моторин, Тазетдиновлар киритган.

5. СССР биринчилиги ўйинларида «Пахтакор» илк бор 1956 йили Тошкентда «Авангард» (Свердловск) билан ўтказилган учрашувда дуранг натижага эришган эди. 1:1 ҳисобида тугаган ушбу ўйинда ягона тўпни Е. Кануннинков киритган.

19 октябрь «Пахтакор» — «Спартак» (Москва) — 1:0.
27 октябрь. «Черноморец» — «Пахтакор» — 2:0.

Танлов ҳайъати.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ҚОШИДАГИ КИЧИК КОРХОНА
1992 йилда

ОЛИЙ БИЛИМГОҲГА ҚИРИШГА 5 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсга ўрта мактабни битирганлар ҳамда 11-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: МАТЕМАТИКА, ГЕОГРАФИЯ, ЎЗБЕК (рус) ТИЛИ ВА АДАБИЁТ, ЧЕТ ТИЛИ.

МАШҒУЛОТЛАР 2 ЯНВАРДАН БОШЛАБ 5 ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ.

ТАЙЁРЛОВ КУРСИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР УМУМИЙ АСОСДА ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРАДИЛАР ВА ОЛИЙ БИЛИМГОҲГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИМТИЁЗГА ЭГА БЎЛМАЙДИЛАР.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ректор номига ариза, аттестат ёки дипломнинг нусхаси (ўрта маълумотлилар учун), мактабдан маълумотнома (11 синф ўқувчилари учун), 2 та фотосурат 3х4 см.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

Маълумотлар учун телефон: 45-34-41.

РУС ЕШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ
«ҲАМДАРД» труппасининг
РЕПЕРТУАРИ

14 январь соат 16.00 да — ЗЎРАКИ ТАБИБ (катталар учун ўзбек тилида спектакль).
28 январь соат 16.00 да — ЗЎРАКИ ТАБИБ (катталар учун ўзбек тилида спектакль).
30 январь соат 10.00 да — ЮЛДУЗ ТЎЛА ОСМОНДА (ўзбек тилида эртак)

Чипталар сотилмоқда.

РЕСПУБЛИКА ЛЕКТОРЛАР УЙИ КЛАССИК УҚАЛАШ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА СИЗ КЛАССИК УҚАЛАШНИНГ АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА УСУЛЛАРИ ТЕХНИКАСИ, НУҚТАЛИ ВА ЧИЗИҚЛИ ВА БОЛАЛАР УҚАЛАШИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ, АУРИКУЛОТЕРАПИЯ УҚАЛАШ БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚАСИЗ.

Машғулотлар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳи негизида уқалаш соҳасининг юксак малакали мутахассислари — тиббиёт фанлари доктори ва номзодлари томонидан олиб борилади.

ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИЛОВА ВАРАҒИ БЎЛГАН ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

Дастлабки йиғилиш 1992 йил 6 январь куни соат 17.00 да ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 7 ЯНВАРДА БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: А. Қодирий кўчаси, 13-уй («Скопле» дўкони яқинида).

Маълумотлар олиш учун телефон: 44-60-39.

Хўжалик ҳисобидаги «Мададкор» поликлиникасида

ҚУЙИДАГИ ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС-ШИФОКОРЛАР МАСЛАҲАТ ВА ДАВО ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗАДИЛАР:

— БОЛАЛАР ПСИХОНЕВРОЛОГИ — энцефалопатия, дудуқланиш, неврозлар, пешобни тута билмаслик, тўғруқ жароҳатининг асоратлари.
— БОЛАЛАР АЛМЕРГОЛОГИ — диатез, бронхиал астма, чилла яра.
— НИНА-РЕФЛЕКС МУТАХАССИСИ — болалар ва катталарга.
— СЕКСОПАТОЛОГ-АНДРОЛОГ — эркаклар бепуштлигини даволаш, жинсий заифлик — махсус уқалашни ўтказиш, спермограммани тадқиқ этиш, ЛОТ терапия, нина-рефлекс муолажаси.
— ГИНЕКОЛОГ — аёллар бепуштлигини даволаш, гистеросаль пингография, махсус уқалаш, бачадон бўйнидаги турли хил колпитлар ва яллиғланишларни даволаш учун «Гинетон» аппарати.
— НЕВРОПАТОЛОГ — болалар ва катталар учун.
— ОРТОПЕД-СТОМАТОЛОГ (ТошДТО) — тишларни даволаш ва олиб ташлаш, шиллиқ қаватларни ва пародонтни даволаш.
— УРОЛОГ — простатит, пиелонефрит, цистология, циститлар ва ҳоказоларни даволаш.
— Болалар ортопеди, гастроэнтеролог, нефролог.

Поликлиникада навбатсиз ва юқори сифат билан қонни клиникавий ва биокимёвий таҳлил қилиш, рентгеноскопия ва рентгенография, фиброгастроскопия, ЭКГ, Лот-терапия тадбирларини ўтказиш, физиотерапия, нина-рефлекс муолажалари, уқалаш (шу жумладан, гинекологик ва урологик уқалаш), лазер муолажаси, АУФОК, мануал терапия тадбирларини ўтказиш мумкин.

Поликлиника дам олиш куниси, ҳар куни соат 15.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй.
Транспорт: 2, 10-трамвайлар; 25, 40, 55, 66-автобусларнинг «Транспорт олий билимгоҳи» бекати.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 99-02-43, 99-06-90, 99-38-90, 39-26-16, 99-76-69.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА

1992 ЙИЛНИНГ 15 ЯНВАРИДАН 19 ЯНВАРИГАЧА
«АБУ АЛИ ИБН СИНО»

Халқаро табиблар уюшмаси вице-президенти
ҲУСАЙН ТАБИБ
(РАШИД ҲУСАИНОВ)
РУС ТИЛИДА

5 та руҳан енгиллашув маъруза-амалларини ўтказади.

Маъруза-амаллари юрак-томир тизимлари, кўз, тери, аёллар касалликлари, аллергия, нафас қисиши, нафас йўллари яллиғланиши (бронхит), бел, соч тўкилиши, уйқусизлик, пешобни тута билмаслик ва асаб тизимининг бошқа касалликларида, шунингдек, туз йиғилиши, буйрак касалликлари, ўт пуфагида тош ҳосил бўлиш касалликларида соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади. Қон таркибининг ҳамда ички органлар ҳолатининг яхшиланишига, танадаги уланган ва чандиқли жойларнинг сўрилиб кетишига ёрдам беради.

Металл буюмлар ва сувга биоқувват сингдириш, сувни винога айлантириш каби тадбирлар амалга оширилади. Сиз бу амаллар давомида қадимий жодугар (шаман)ларнинг йўлбарсга, айиққа ва ҳайвонларнинг бошқа турларига, шунингдек дарахтга айлантириб қўйиш билан боғлиқ тажрибалари тўғрисидаги жуда кўп қизиқарли маълумотларни билиб оласиз. Маърузалар давомида гиёҳлар билан даволаш воситалари, мўмиё, Чимён тоғларидаги доривор гиёҳлар, асаларичилик маҳсулотлари сотилади.

Улуғ Ватан уруши ва Афғонистондаги уруш ногиронлари, шунингдек Қаҳрамон оналар ўзларининг гувоҳномалари асосида бепул кирадилар.

Сеанслар соат 14.00 дан бошланади.

Чипталар спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача, шунингдек шаҳардаги ваколатли тарқатувчилар томонидан сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: КАССА 46-03-12, 46-70-31, МАЪМУРИЯТ: 46-07-53.

КИНО МУЛИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ЯҚИНДА

ТОШКЕНТ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРИЛАДИ

«ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ»

Сценарий муаллифлари — Ж. ДЕРЕ, Ж. ЭРМАН.
Режиссёр — Ж. ДЕРЕ.
БОШ РОЛДА машҳур француз актёри ЖАН ПОЛЬ БЕЛЬМОНДО суратга тушган.

Олий ҳокимиятни ҳам қўлга олиб қўйган гиёҳвандлик мафиясига қарши ҳалол кураш олиб боришнинг бефойдалигини англаб етган фильм қаҳрамони — полиция комиссари жиноятчиларга қарши уларнинг ўз кураш усуллари билан ҳаракат қила бошлайди.

ФРАНЦИЯ КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«КЕЛГИНДИ»

Сценарий муаллифи — ОҒА НАЗИР ҚАВИШ.
Режиссёр — САИД РИЗВИ.
Ролларда: Бабра ШАРИФ, Шерри МАЛИК ва бошқалар.

ПОКИСТОН КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ

Бу ҳис-ҳаяжонларга тўлиқ картинада ўзга сайёраликлар билан учрашган ва уларнинг бири ўзининг илгари ҳалок бўлган севиклиси эканлигини таниб қолган ёш қишлоқи қиз ҳақида ҳикоя қилинади.

«ШАРҚҚА КЕТАЕТГАН ПОЕЗД»

Сценарий муаллифи — Мурат ЖУСОЙТИ.
Режиссёрлар — А. БАСАТИ, М. ЖУСОЙТИ.
Ролларда: Б. АРИАГ, В. БОРОДИН ва бошқалар.

СТУДИЯ — ФБ-33»

Фильм болалар уйида ўсиб, вояга етган икки дўст — Артур ва Алан ҳақидадир. Артур бир босқинчилар тўдаси таъсирига тушиб қолади ва бу тўда охир-оқибатда уни ўлдиради. Дўстининг ўлимидан хабар топган Алан ўша тўда ичига кириб олади ва Артурнинг ҳалок бўлиш сабабларини аниқлашга интилади. Бунинг учун тўда бошлиқлари уни тузоққа туширадилар. Алан қамоққа олинади ва бу ерда тасодифан, уни сотганликларини билиб олади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«Юбилей» Марказий спорт саройида
30 ДЕКАБРДАН 12 ЯНВАРГАЧА
Болалар, Сизлар учун!
ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА
«МУЗ УСТИДА АРЧА»
«ҚИЗИЛ ЛОЛА»
ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

Сизни: Қорбобо, Қорқиз, эртакларнинг мард ва ёвуз қаҳрамонлари, ўргатилган ҳайвонлар билан оммавий ўйин ташкилотчилари кутиб оладилар.

Томошалар соат 10, 12, 14 ва 16.00 да бошланади.

Чипталар «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 10 дан 16 гача 1992 йил 8, 9, 10, 11 ва 12 январь кунларига сотилади.

ЧИЛОНЗОР КЎЧАСИ, 2 «а» УЙИДАГИ
собиқ Кино уйи биносида
БОЛАЛАР УЧУН
ЯНГИ ЙИЛ АРЧАЛАРИ
УТКАЗИЛАДИ.

ДАСТУРДА:
АРЧА АТРОФИДА ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ИШТИРОКИДА ДАВРА ЎЙИНЛАРИ;
«ҚУҒИРЧОҚЛАР ШАҲРИНИНГ СИРИ» ЭРТАК СПЕКТАКЛИ;
ҚОРБОБОНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ.

Томошалар 1991 йил 30 декабрдан 1992 йил 10 январгача ҳар куни соат 11, 13 ва 15.00 да рус ва ўзбек тилларида ўтказилади.

Чипталарни сотиб олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Чилонзор кўчаси, 2 «а» уй.

ҲАММАНГИЗНИ АРЧАГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ИТАЛИЯ ва ГЕРМАНИЯ фирмаларининг маҳсулотлари бўлган двигатель йиғиш автомат линияларида ишлаш учун юқори малакали мутахассисларни;

— цех ва конструкторлик бюроларининг бошлиқларини;
— барча тоифадаги муҳандис-конструкторлар ва технологлар, механиклар, энергетиклар, электрончилар, омилкор усталарни;
— рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг ишчи-операторлари, автоматик линиялар ва агрегат дастгоҳларининг оператор-созловчилари, рақамли дастур билан бошқариладиган электрон системали дастгоҳлар, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика чилангарлари, чилангар-таъмирловчиларни.

Ўқиш муддати — 2 ойгача. Ўқиш даврида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, сафар йўлланмаси чиқимлари тўланади.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш кенгайганлиги муносабати билан завод қуйидаги касбларга тезда ишга қабул қилади:

— токарлар, йўнувчилар, штамповчилар, газ электрпайвандчилар, чилангар-асбобсозлар, токарлик автоматларини созловчилар, механика йиғув ишлари чилангарлари, чилангар-таъмирловчилар, силлиқловчилар, эритувчи-қуювчилар, техник назорат бўлими назоратчилари, ўровчи-консерваловчилар, бўёқчилар, «Е», «Д» тоифали ҳайдовчилар, автокранчилар ва бошқалар.

Завод керакли пайтда ушбу мутахассисларнинг шартнома асосида малакасини ошириши ва ўқитишни ташкил қилади. Ўқиш заводда ёки «КамАЗ», «ВАЗ» «ГАЗ» ва бошқа қардош корхоналарда ўтказилади.

Мутахассисликка эга бўлмаганлар . завод ёки автомобиль қишлоқ хўжалиги машиналари вазирлигининг Минск, Владимир ва бошқа шаҳарлардаги қардош корхоналарида 2 ойдан 6 ой муддатгача ўқиб ўрганишлари мумкин.

5 йил ичида уй-жой билан таъминланадилар, хусусий уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилади.

Иш ҳақи — 400 сўмдан 1000 сўмгача.

Ёлғизлар учун ётоқхона бор.

Заводга (Тошкент шаҳрида) 30, 110, 12-автобуслар; 192-маршрутли такси билан бориш мумкин. «Тошкент мотор заводи» бекати («Бахт» кўли яқинида).

Кадрлар бўлимининг телефони: 98-47-77.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/I да — ШУМ БОЛАНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ (12.00), БАЙРАМ КОНЦЕРТИ (18.00).
2/I да — ШУМ БОЛАНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ (12.00), БАЙРАМ КОНЦЕРТИ (18.00).
3/I да— ШУМ БОЛАНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ (12.00), АКА-УКА СОВЧИЛАР (18.00).
4/I да — ШУМ БОЛАНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ (12.00), КУЙЕВЛАР КОНКУРСИ (18.00).
5/I да — ШУМ БОЛАНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ (12.00). МЕНИНГ ОППОҚ КАБУТАРЛАРИМ (18.00).
7/I да — АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ.
8/I да — КАМПИР КЕТАРМИШ.
9/I да — КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ.
10/I да — КАТТА КОНЦЕРТ.
11/I да — МЕНИНГ ОППОҚ КАБУТАРЛАРИМ.
12/I да — ПАРАНЖИ СИРЛАРИ.
15/I да — ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО.
16/I да — КУЙЕВЛАР КОНКУРСИ.
17/I да — ФАРҲОД ВА ШИРИН.
18/I да — КАТТА КОНЦЕРТ (18.00).
19/I да — МУҲАББАТ НАВОСИ.
20/I да — АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ.
22/I да — АКА-УКА СОВЧИЛАР.
23/I да — КАМПИР КЕТАРМИШ.
24/I да — КУЙЕВЛАР КОНКУРСИ.
25/I да — ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО.
26/I да — ҚУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ.
27/I да — МЕНИНГ ОППОҚ КАБУТАРЛАРИМ.
29/I да — КАТТА КОНЦЕРТ.
30/I да — ДАРДИМНИ АЙТАМАН, ҚУЛАСИЗМИ?
31/I да — КУЙЕВЛАР КОНКУРСИ.

Кечки спектакллар соат 18.00 да бошланади.
ЧИПТАЛАР СОТИЛМОҚДА.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Авиз болажонлар, сизлар учун!
27 ДЕКАБРДАН — 8 ЯНВАРГАЧА
ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ
ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ИШТИРОКИДА ЎЙИН-ҚУЛГИ, ТОПИШМОҚ ВА АШУЛАЛАР АЙТИШИБ, САҲНАМИЗДА АЖОЙИБ ВА ҒАРОЙИБ
«СЕҲРЛИ ҚАҲ-ҚАҲА»
СПЕКТАКЛИНИ КУРАСИЗ

УНДА СИЗ СЕВГАН ЭРТАКЛАРДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШАСИЗ.

Спектакль муаллифи ва иштирокчиси МУҲАММАДЖОН ШОКИРОВ.

Янги йил байрами соат: 10, 12, 14, 16 да бошланади.
Жамоа бўлиб кўриш учун олдиндан патталар сотилмоқда.

Манзилгоҳимиз: Мустақиллик майдони, 5. Телефонлар: 39-46-08, 39-46-10.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/XII да Тақдир эшиги, 1/I да Нажот истаб, 2/I да Олтин девор, 3/I да Алла, (премьера).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 30/XII да Дардимни айтаман, куласизми? 1/I да Байрам концерти, 2/I да Байрам концерти, 3/I да Ака-ука совчилар, 4/I да Куёвлар конкурси.

КИНО

30 ДЕКАБРДА

Фурқат — «ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (18.30, 21.00).
Москва — «ҚОНЛИ ҚАСОС» (тоқ соатларда, 20.40).
Тошсовет — «ХОТИНБОЗ» (тоқ соатларда).
Дўстлик — «ЮЛДУЗЛАРАРО ЖАНГ» (17.00, 18.00, 20.00, 20.40).
Ёшлик — ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (жуфт соатларда).

31 ДЕКАБРДА

Фурқат — «ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).
Москва — «ҚОНЛИ ҚАСОС» (тоқ соатларда, 20.40).
Тошсовет — «ХОТИНБОЗ» (тоқ соатларда).
Дўстлик — «ЮЛДУЗЛАРАРО ЖАНГ» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 20.40).
Ёшлик — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (жуфт соатларда).

ДИҚҚАТ!

«ТЕХНОПРОЕКТ» ИХТИСОСЛАШГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲА-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ
1992 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ўрта умумтаълим бўлимининг собиқ назоратчиси Зафар Қиёмович ДОНИЕРОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни эълонлар бўлими тайёрлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

© 78.308 нусхада чоп этилди © Нашр кўрсаткичи 64696. © Буюртма 6483. © Босмага бериш вақти 11.30. © Босмага берилди 12.20. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10